



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 26 май, жума № 20 (403)

Сотувда нархи эркин

САОДАТГА ЭЛТУВЧИ МАСКАН

Бизнинг Тошкент Алоқа коллежидан ўзининг тарихий илдизларига эга. Архив ҳужжатларида қайд қилинишича, 1929 йили Урта Осиё почта ва телеграф бошқармасининг Алоқа курслари Тошкент шаҳрида ташкил этилган. Бу курсларда Урта Осиёдаги қисқа тулқинли радиостанцияларни ишлатиш учун ра-

диочилар бўлими фаолият курсатган. Курсларда катта ва кичик тайёрлов бўлимлари бўлиб, кичик бўлимида шу курсларга ва катта бўлимида Москва Алоқа техникумига кириш учун талабалар тайёрланар эди. 1930 йилнинг май ойида бу курслар асосида Урта Осиё Алоқа техникуми ташкил топди. Техникунинг биринчи

директори этиб Алоқа курсларига раҳбарлик қилиб келган Александр Степанович Старков тайинланди.

Дастлабки йиллари машғулотлар Ганчтепа маҳалласида (ҳозирги «Турон» меҳмонхонаси ҳудудида) яшаган бадавлат кишининг давлат фойдасига мусодара қилинган ҳовлисига ўтказилар эди.

Уша даврда техникум таркибиде иқтисодий алоқа ва электралоқа бўлимлари мавжуд эди. Электралоқа бўлимида радиоалоқа ва радиоэшитириш, шаҳар телефон станциялари техникларини тайёрловчи икитадан ва шаҳарлараро телеграф-телефон техникларини тайёрловчи биттадан гуруҳлар бор эди. Техникумда мутахассислар кундузги ва кечки бўлимларда тайёрланган.

Уқиш жараёнини тўлақонли ташкил этишда ўқитувчилар етишмас, радиоалоқа, радиоэшитириш ҳамда телеграф ва телефон фанлари бўйича муайян қийинчиликлар бор эди. Алоқа халқ комиссариати алоқа корхоналарида ишлаётган ходимларга уриндошлик йўли билан бир ойда 12 соатдан техникумда лекция ўқишлари учун рўхсат беради. Уриндошлик йўли билан ишлаган биринчи ўқитувчилардан Валентина Семеновна Клеменова, Иван Яковлевич Каргаполов, Николай Семенович Тарасов ва шаҳар почтамтининг бошлиги Игорь Григорьевич Ушakov, шаҳар телефон станцияси бош муҳандиси Юрий Андреевич Иванов, Тошкент шаҳар радиоэшитириш станциясининг катта муҳандиси Григорий Ан-

дреевич Черноусов ва Тошкент халқ ҳўжалиги институтининг ўқитувчиси Иосиф Абрамович Магун ўқитувчилик қилган эдилар.

Техникумда ўқув кабинетлари, лаборатория ва кутубхоналар йўқ эди. Йқки йил ичида техникум учун янги ўқув бинолари қуриларди. Техникумда ўлчов асбоблари, кабель иншоотлари лабора-

ториялари ҳамда иқтисод, бухгалтерия ҳисоботи, статистика ва ҳисоблаш машиналари кабинетлари ташкил топди. Ўқув юртида 5000 нусха китоб фондига эга булган кутубхона фаолият курсата бошларди.



туриялари ҳамда иқтисод, бухгалтерия ҳисоботи, статистика ва ҳисоблаш машиналари кабинетлари ташкил топди. Ўқув юртида 5000 нусха китоб фондига эга булган кутубхона фаолият курсата бошларди.

Шаҳар телефон станцияси гуруҳини тамомлаган Аҳад Мусоев, Шоикром Ибрагимов, Гаппор Ҳамитов, Мансур Муллаев, Алихон Ускенбоев, Азиз Алиев ва Маҳмуд Магриповлар алоқа соҳасининг илк қалдирғочлари эди.

1932—1941 йиллар давомида техникумнинг моддий базаси бирмунча кенгайди, ўқитувчилар таркиби мустаҳкамланди. 80 уринли ошхона, буфет ва спорт майдончалари бунёд этилди. Қўшимча яна йқитта радиоалоқа ва радиолаштириш лабораториялари, талабалар кучи билан 50 рақамга мўлжалланган автоматик телефон станцияси ишга туширилди, ётоқхоналар радиолаштирилди. 1937 йилга келиб техникумнинг кундузги бўлимига 1885 ва кечки бўлимларига 485 нафар талабалар қабул қилинган эди.

1940—1941 ўқув йиллари техникумда радиолаштириш, радиоалоқа, телеграф тармоқлари, иқтисод ва режалаштириш, шаҳар телефон алоқаси, туман электралоқаси ва почта алоқаси техниклари бўйича мутахассислар тайёрланар эди.

1940 йилнинг 26 августиде техникум номи ўзгартирилиб, унга «Тошкент Алоқа политехникуми» номи берилди. Бу эса у навбатиде куп қиррали мутахассислар тайёрлашга имкон яратди. Уруш даврида политехникум уз бошидан оғир кунларни ўтказ-

ди. Кўплаб ўқитувчию талабалар фронтга чақирилди. Уша йиллари Москва Алоқа институти Тошкент Алоқа политехникумига жойлаштирилди. Политехникумнинг омборхоналари ва баъзи лабораториялари ётоқхонага мослаштирилиб, мураббийлар оилалари учун ажратилди. Политехникум эса Лабзак кўчасида жойлашган 120-мактабга кўчирилди.

Урушдан сўнг Тошкент Алоқа политехникуми яна уз манзили — Лабзак кўчаси, 112-бинога кўчиб келди. Айни шу даврдан бошлаб янги ўқув биноси, ётоқхоналар, ошхона, спорт заллари ва майдончалар қурилди. Ўқув кабинетлари ва лабораториялар сони кўпайтирилди. Талабалар тайёрлаш сифати оширилди. 1940—1949 йилларда

техникумга А. Н. Тарновский, 1949—1958 йилларда Н. И. Мацевич, 1958—1960 йилларда М. И. Астахов, 1961—1965 йилларда М. Усанов, 1965—1967 йилларда А. В. Марин, 1967—1969 йилларда В. Г. Дурневлар директорлик қилдилар.

1969 йили политехникумга шу ўқув юртида директор уринбосари вазифасида ишлаб келган Эркин Икболович Нуриддинов директор этиб тайинланди.

Тошкент Алоқа политехникумининг кейинги ривожини ва тараққиётини айни шу даврга тўғри келди. Бу давр ичида 400 уринли ётоқхона, янги ўқув биноси, ёпиқ спорт мажмуи қурилди. Лаборатория ва устанхоналар қайта таъмирланиб, замонавий техника воситалари билан қайта жиҳозланди. Бу ерда ўқув юртлари орасида олдингилардан бўлиб тест маркази ташкил этилди, рейтинг тизими жорий қилинди.

Политехникумнинг эришган ютуқлари Эркин Икболович Нуриддиновнинг муносиб ҳиссаси бор.

Э. И. Нуриддинов узининг асосий ишидан ташқари 20 йилдан зиёд вақт мобайнида Тошкент шаҳар урта махсус ўқув юртлари директорлари кенгаши раиси вазифасини ҳам бажарди.

Мутахассислар тайёрлашда эришган ютуқлари ҳамда алоқа соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси учун Э. И. Нуриддинов «Ўзбекистонда хизмат курсатган маърифат ходими» ва «Моҳир алоқачи» унвонлари билан тақдирланди. Бугунги кунда коллежда Э. И. Нуриддиновга

(Давоми 2-бетда.)

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»да «Ўзбекистон XXI аср бугасида» дастури доирасида «Телекоммуникация ва компьютер технологиялари» биринчи халқаро кургазмаси ўтказилди. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, «Маҳаллий Телеком» ва «Халқаро Телеком» АКлари кўллаб-қувватлагани ҳолда Британиянинг «ITE GroupPic» савдо-

ҚҚ павильонида менежерлар фаол ишладилар. Бу ерда юзлаб ташриф буюрувчилар махсус анкеталар тўлдириб, корхона фаолиятига баҳо бериб, уз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Уяли алоқа компаниялари — «Коском», «Ўзмаком», «Бузтел», «Бузтон» ҚҚ лари, «Найтов», «АРС», «Саркор», «Дойче кабел-АГ ТашКен», Viol ва бошқа корхоналар уз махсуслотларидан намуналар ҳамда хизмат турла-

КАТТА ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

кўргазма компанияси кўргазма ташкилотчиси бўлди, «ERICSSON» фирмаси эса ҳомийлик қилди. Кўргазмада шу соҳада Ўзбекистонда фаолият курсатаётган кўплаб корхоналар ҳамда дунёга машҳур чет эл фирмалари иштирок этдилар. 15 мамлакатдан деярли 40 компания Тошкентга уз экспонатларини жўнатдилар. Улар орасида «ERICSSON», «NEC», «Шанхай», «Белл» ва бошқа компанияларнинг махсуслотлари алоҳида ажралиб турди. Ташриф буюрувчиларга радио каналлари орқали маълумотларни узатиш, кўчма алоқа усунларининг энг янги намуналари, Интернет тизимида ишлаш оладиган коммутация станциялари намойиш этилди.

Кўргазманинг биринчи куни «NEC» компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ХЖ ва «Ўзимпексалок» корхоналари уртасида пойтахт телефон тармоғи учун ун минг абонентга мўлжалланган алоқа жиҳозларини совга тариқасида бериши бўйича ҳужжат имзоланди. Совга қилинган қимматбаҳо янги жиҳоз Марказий Осиё худудида биринчи бор Тошкентда қўлланиладиган бўлди.

Кўргазманинг «Ўздунробита»

рини намойиш этишди.

Кўргазма дастури доирасида Ўзбекистон телекоммуникацияларни ривожлантиришда чет эл сармояларининг урнига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори Ф. Абдуллаев ва бошқа нотиклар телекоммуникация соҳасини ривожлантиришда чет эл сармоядорлари учун Ўзбекистонда қулай имкониятлар яратилганиги ҳақида гапирдилар. Жаҳонга машҳур купгина ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Кейинги йилларда ана шу мақсадлар учун ажратилган 580 миллион АКШ долларидан 360 миллиони узлаштирилган, тармоқни техника билан қайта жиҳозлаш борасида йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Кўргазма жараёнида чет элли вакиллар билан суҳбатлар республикамиз телекоммуникациясини ривожлантириш ва қайта жиҳозлаш борасида ҳамкорликда улкан ишлар амалга оширилишига, истевмолчиларга эса хизматнинг янгидан-янги турлари тақдим этилишига ишонч уйғотди.

А. КУДИНОВ

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг буйругига кура, Тошкент Алоқа коллежи (Собик Алоқа политехникуми) ташкил этилганлигининг 70 йиллиги муносабати билан ҳамда ёшларни ўқитиш ва тарбиялашдаги самарали меҳнатлари учун коллежнинг раҳбар, ўқитувчилари агентлигининг фахрий унвонлари, нишонлари билан мукофотланди. Тошкент Алоқа коллежи директори **Сайдахмуд Саидович АКБАРОВ** ва коллеж ўқитувчиси **Азамат Юсупов ИШМУХАМЕДОВ** Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг «Моҳир алоқачи» фахрий унвони билан тақдирланди. Коллежнинг ўқув ишлаб чиқариш бўйича директори уринбосари **Александр Михайлович ФЕДОРОВ**, ўқитувчи **Ғани Ҳабибович АШРАПОВ**, коллеж сиртки бўлим мудири **Анатолий Антонович КОСТИЛЕВ**, методист **Валентина Семеновна ЕРЕМЕЕВА**, ўқитувчи **Рашида Умаровна ХАНОВА**, ўқитувчи **Раньо Қодировна ГАНИЕВА**лар агентлигининг «Фахрий Ерлиги» билан мукофотландилар. Коллеж ўқитувчилари **Раньо Ҳайдарова**, **Усмон ИСОҚБОВ**, **Дамира Музагитовна Тўлаганова**, **Одил СИДДИҚҲУЖАЕВ**ларга агентлигининг «Ўз касбининг устаси» фахрий нишони берилди. Мукофотлар муборак, азиз мураббийлар!

САОДАТГА ЭЛТУВЧИ МАСКАН

(Боши 1-бетда.)

бағишланган «Хотира хонаси» ташкил этилган.

Коллежда мавжуд 65 та аудитория, лабораториялар, икки юз мингга яқин китоб фондига эга бўлган кутубхона, иккита ёпиқ спорт мажмуи, учта спорт майдончаси, учта «Маънавият ва маърифат» хоналари, ҳар бири 400 уринга эга бўлган 3 та ётоқхона, 250 уринли ошхона, 40 уринли буфет ва чойхона ҳамда тиббий хоналар доимий равишда талабалар ва

мураббийларга хизмат қилиб келмоқда.

Коллежда талабаларнинг жисмонан соғлом бўлишлариغا алоҳида эътибор берилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган мусобақаларда талабаларимиз спортнинг баскетбол, волейбол, футбол, кураш ва шахмат турлари бўйича фахрли уринларни эгаллаб келишяпти.

Хали олдимизда бажарилиши керак бўлган ишлар кулами катта. Мутахассислар тайёрлаш си-

фатини ошириш, талабаларнинг ўқиш, яшаш ва дам олиш шароитларини янада яхшилаш, уларни ижтимоий муҳофаза этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Базирлар Маҳкамасининг 1998 йил, 23 сентябрдаги қарори асосида 2001 йилги коллеж уқиш биносини қайта таъмирлаш коллеж жамоаси олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Саидмахмуд АКБАРОВ,
Тошкент Алоқа коллежи
директори

ХОДИМЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ ОШИРИЛИШИ ПОЗИМ

Агентлик аппаратида ва унга қарашли акционерлик компаниялари, алоқа корхоналарида ариза ва шикоятлар билан шугулланиш ҳамда уларни ижобий ҳал қилиш борасида қатор ишлар олиб борилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил, 6 майдаги «Фуқаролар мурожаатлари тугрисида»-ги Қонуни ва Республика Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Қўмитаси томонидан 1998 йили жами утказилган текширувда фуқароларнинг ариза ва шикоятларини қўриб чиқиш масалалари бўйича аниқланган камчиликларни бартафат этилиши акционерлик компаниялари алоқа корхоналари ва уларнинг филиалларида урганиб чиқилди.

Почта ва электралоқа соҳасида қўриқилган хизматга утган йили 1998 йилга нисбатан фуқаролар мурожаатлари бирмунча камайди, яъни 1998 йили жами мурожаатлар 18953 та бўлган бўлса, 1999 йили ушбу курсаткич 14074 тани ташкил этди. Жумладан, почта алоқасида 10463 тадан 3572 тага камайди. Жорий йилнинг 1 чорагида электралоқа соҳасига мурожаатлар сони 3559 та бўлиб, утган йилга нисбатан 201 тага кўпайган, улардан 281 таси корхона айби билан содир бўлган.

Урганиш жараёнида яна қуйидагилар аниқланди: «Маҳаллий Телеком» АК ва компаниянинг «Самарқанд Телеком» шўъба корхонасининг Булунгур, Жомбой филиалларида, «Қашқадарь Телеком» шўъба корхонасининг Китеб, Яқабғор филиалларида, «Халқаро Телеком» АК, «Ўзбекистон почтаси» ДАК ва компаниянинг «Самарқанд почтаси» ҳамда «Қашқадарь почтаси» ХЖнинг Булунгур, Жомбой, Китеб, Шаҳрисабз филиалларида раҳбарлар томонидан фуқаро-

ларни қабул қилиш кунлари қўриқилган пешлаш ва қабул қилиш дафтари ташкил этилмаган.

Ушбу корхоналарда ариза, шикоят ва мурожаатлар билан шугулланган ходим буйруқ билан тайинланмаган. Лавозим йўриқномасига қўшимчалар киритилмаган, натижада жойлардан олинмаган шикоят ҳисоботи тайёрлаш ва уларнинг таҳлили қилинмаган. Корхона ва филиал раҳбарлари жавобгарлиги ҳис этмаган ҳолда ҳисоботларга имзо чекишган.

Электралоқа корхоналари ишига 1999 йили 1998 йилга нисбатан мурожаатлар 1225 тага ҳамда 2000 йилнинг 1 чорагида 1999 йил иш даврига нисбатан кўпайишига қуйидаги корхоналар «хисса» қўшилди: «Жиззах Телеком» шўъба корхонасида 1999 йилнинг 1 чорагида 21 тадан 56 тага, «Қашқадарь Телеком» шўъба корхонасида 26 тадан 114 тага, «Тошкент Телеком» ХЖда 39 тадан 71 тага, «Фарғона Телеком» ХЖда 43 тадан 109 тага, «Чирқоқ» ҚКда 75 тадан 97 тага ошган.

«Маҳаллий Телеком» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ДАК ларида агентлик томонидан бажариш учун юборилган ҳужжатларнинг ўз вақтида бажарилиши таъминланмапти. 1999 йили «Маҳаллий Телеком» АКга юборилган 127 та ҳужжатдан 48 таси ўз муддатига бажарилмаган. «Ўзбекистон почтаси» ДАКга юборилган 87 та ҳужжатдан 32 таси ўз вақтида бажарилмаган қолган. Ушбу курсаткич жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам қайтарилди, яъни «Маҳаллий Телеком» АКда 26 тадан 16 таси, «Ўзбекистон почтаси» ДАК да 16 та ҳужжатдан 10 таси ўз вақтида бажарилмаган.

«Ўзбекистон почтаси» ДАК, «Маҳаллий Телеком» АК таркибидаги корхоналарнинг айрим

раҳбарлари ва жавобгар шахсларнинг маъсулиятсизлиги тўғрисидаги шикоятлар ҳисоботи таҳлил қилинмаган. Мисол учун: Навоий ДЭАМЧК томонидан берилган ҳисоботи 1999 йилнинг I чорагида 57 та мурожаат бўлган бўлса, I йил охирида бу курсаткич 62 тани ташкил қилган. Уша йилнинг II, III, IV чораги давомида 5 тагина мурожаат бўлган ва жорий йилнинг I чорагида бу курсаткич 1326 тани ташкил этиши ажабланирли ҳолдир. Хоразм ДЭАМЧКнинг ҳисоботида 1999 йилнинг I чорагида 462 та мурожаат бўлган бўлса, жорий йилнинг I чорагида бу курсаткич 5 тани ташкил этди.

Утказилган текширишларда «Сурхондарь Телеком» шўъба корхонаси, «Сурхондарь почтаси» ХЖ, «Сирдарё почтаси» ХЖ, «Қашқадарь Телеком» шўъба корхонаси, «Самарқанд почтаси» ХЖ каби корхоналар ва уларнинг филиаллари томонидан берилган ҳисоботлар ўз тасдиғини тоғмади.

Компания, корхона ва унинг филиаллари раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил, 6 майдаги «Фуқаролар мурожаати тугрисида»-ги Қонуни, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги буйруқларини тула бажарилишида жавобгарлиги ҳис этмаганиклари тўғрисида ҳам юқоридаги камчиликлар содир бўлди. Бу борада Давлат Алоқа инспекцияси ходимлари ҳар томонлама, батафсил текширишлар олиб боришмаган ва камчиликларни қўриқилмаган.

Аниқланган камчиликларни бартафат этиш ва уларнинг бошқа қайтарилмаслиги учун ходимлар жавобгарлигини ошириш, назорати қайтартириш керак.

Ш. ТИЙРОВ,
Агентлик ишлар
бошқармаси бошлиғи

● 2000 йил – Соғлом авлод йили

АЛОҚАЧИЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касбаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ташаббуси билан алоқачилар ўртасида Соғлом авлод йилига бағишланган спартакиада мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Айни пайтда бу мусобақаларнинг вилоятлар миқёсида иккинчи босқичи якунланмоқда.

Тошкент Алоқа коллежида пойтахт алоқа корхоналари ҳамда ташкилотлари вакиллари спортнинг мини футбол, волейбол, эстафета турлари бўйича беллашдилар. Мини футбол мусобақаларида «Ўздунробита» ҚК биринчи, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ХЖ иккинчи, Республика радиолоқа, радиозаштириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси учинчи уринини эгаллашди. Волейбол уйинларида Тошкент телефон-телеграф станцияси биринчи,

Тошкент электротехника Алоқа институти иккинчи, Электромагнит Мослашув Маркази вакиллари учинчи уринларни қўлга киритишди. Эстафета мусобақаларида эса «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ХЖ биринчи, Тошкент электротехника Алоқа институти иккинчи, Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси учинчи урин соҳибга бўлишди.

Мусобақалар якунида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори уринбосари Ш. Обидхўжаев, Республика алоқа ходимлари касбаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т. Назаржоновлар голибларга биринчи, иккинчи, учинчи даражади дипломлар ва кимматбаҳо совғалар топширишди. Пойтахтимизда фаолият курсатаётган алоқа корхона ва ташкилотлари раҳбарлари ҳам голибларни тақдирлашди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ОРОМГОҲГА МАРҲАМАТ!

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» хиссадорлик жамияти Бустонлик туманидаги хушманзара «Оқтош» посёлкасида жойлашган «Алоқачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳига шу йилнинг 6 июнидан — 26 июнигача бўлган даврдаги 1-навбатига йўланмаларни сотади.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 17 уй.

Телефонлар: 133-23-72, 133-69-95.
«ТШТ» ХЖ

ҲАММА ЯХШИ НАРСАЛАР БОЛАЛАРГА

«Қашқадарь Телеком» шўъба корхонасининг Китеб филиали вилоятдаги илгор алоқа корхоналаридан ҳисобланади. Тўқсон беш алоқачи хизмат қилаётган бу ахил жамоага ўз ишининг фидойиски, етук мутахассис Акмал Очилов раҳбарлик қилмоқда. Китеблик алоқачиларнинг шу кеча-кундуздаги асосий саъй-ҳаракатлари болаларнинг ёғи дам олиш мавсумини кўнглили ўтказишга қаратилган. Мухбиримиз А. ОЧИЛОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Соғлом авлод йилида алоқачиларнинг фарзандларига гамхўрлик, эътибор янада қўчайтирилган, — дейди Акмал ака. — Қашқадарьни келиб ўз кузи билан қўриган одамлар негадир юртимизни даштдан, чули бивбондан иборат деб ўйлашади. Аслида ундай эмас. Сохиққирон Амир Темур Ватанида гузал, ажойиб жойлар ҳам кўп. Мана шулардан бири Қайнар қишлоғидаги Сиз қўриб турган «Алоқачи» болалар оромгоҳи жойлашган Тахтақорча довоиндир. Оромгоҳнинг бир томони тоғларга тўла ташиб кетган, қалин ўрмон билан қопланган дара ўртасидан зилот сой оқиб ўтади. Ана, турфа қушлар, шўх бўбулларнинг сайрашини эшитялсизми? Бу оҳанглар, бу ажойиб манзара ҳар қандай одамни сеҳрлаб қўяди. 1985 йилдан ишлаб бошлаган ушбу оромгоҳни бежиз шундай жойдан танламанмиш. Келажакимиз бўлиши болалар қалбига мумкин қадар барвақт эзгулик уруғини қадашда она табиат муҳим аҳамият касб этади.

— Оромгоҳда бир йилда қанча болалар дам олишади?
— Бир йилда алоқачиларнинг 480 нафар фарзанди мириқиб ҳордиқ чиқаришади. Оромгоҳ турт сменда, яъни ёз мавсумида турт марта (ҳар гал 120

нафардан) болаларни ўз бағрига қорайди.

— Болаларга қандай шароитлар яратилган?

— Болаларга яхши дам олишлари учун ҳамма шароитлар яратилган десам муболага бўлмайди. Оромгоҳнинг тўққиз гектарлик ерига яна қўшимча мевали ва манзарали дарахтлар эқдик. Уч юзта арча қучатини ўзимиз этиштириб, ўтқаздик. Барча таъмирлаш ишларини барвақт яқунладик. Бунинг учун 736 минг сўмлик маблағ ажратилган. Спорт майдонлари, ётоқхона, ошхона ва киратохоналар таъмирчилар меҳнати тўғрисида файзли, қўрқам бўлиб қолди. Қараб туриб куз қувнади, бир юмалаб бола бўлиб қолгинг келайди.

Тажрибали педагоглар ёз давомида болаларнинг кўнглили дам олишларини ташкил этишади. Шунингдек, бурдоқчилик ҳўжалиги билан гушт масаласида, асал ҳўжалиги билан эса асал масаласида шартнома тузиб қўйганмиш. Демак, озик-овқат масаласида ҳам мўаммо бўлмайди. Хўлоса қилиб айтганда, «Ҳамма яхши нарсалар болаларга» деган шир биз алоқачилар учун ҳаммиша долзарбдир.

Ш. ЭРГАШ ўғли
суҳбатлашди

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ АК «МАХАЛЛИЙ ТЕЛЕКОМ»

Сообщает, что 26 июня 2000 года в 10.00 состоится годовое Общее собрание акционеров в конференц-зале Узбекского агентства почты и телекоммуникаций по адресу: г. Ташкент, ул. А. Толстого, 1. Регистрация участников с 8.30 ч. до 9.55 ч.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Отчет генерального директора АК «Махаллий Телеком» о финансово-хозяйственной деятельности за 1999 год и перспективах развития на 2000 год.
 2. Утверждение Бизнес плана на 2000 год, сметы расходов исполнительного аппарата Компании на 2000 год.
 3. Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса, распределение прибылей.
 4. Утверждение аудиторского заключения и отчета ревизионной комиссии.
 5. Утверждение аудитора АК «Махаллий Телеком» на 2001 год.
 6. Внесение изменений в устав.
 7. О вознаграждении деятельности членов Наблюдательного совета.
- С информационными материалами можно ознакомиться заблаговременно или перед началом собрания. Справки по телефону: 34-96-30.

БАЛАНС АК «МАХАЛЛИЙ ТЕЛЕКОМ»

Тыс. сум.

Наименование	Актив	Пассив
I. Долгосрочные активы	2135142	
II. Оборотные активы		
1. Производственные запасы	2848	
2. Денежные средства	7064	
3. Расчеты с дебиторами	21540	
III. Источники собственных средств		
1. Уставный фонд		2025934
2. Резервный капитал		3288
3. Нераспределенная прибыль		6142
IV. Обязательства		131230
Баланс	2166594	2166594

ФИНАНСОВЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ (тыс. сум.)

1. Выручка от реализации продукции — 154309
 2. Прибыль от основной деятельности — 23602
 3. Общий финансовый результат (прибыль) — 55659
 4. Чистая (нераспределенная) прибыль — 1826
- Подтверждено аудиторской фирмой «Аломат-Аудит», лицензия МФ РУз № 210 от 31.10.96 г.

ЭЪЛОНИ

Тошкент электротехника Алоқа институтида 2000 йил, 4 июнь кунини «Оқиқ эшиқлар кунин» ўтказилади. Барча кафедралар ва лабораторияларда абитуриентлар учун касбага йўналтириш, телекоммуникация тармоқларининг бугунги кунини ва келажакини ҳақда тула маълумотлар берилади.

Жорий йилнинг 17 майдан бошлаб институт тест марказининг компьютер синфинида абитуриентлар 1996-1999 йилларда ўтказилган тест синволлари бўйича ўз билимларини олдиндан синашлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

– Саид бувам ҳам туқсонни уриб куйдилар, – деди кимдир.

Ким айтгани ёдимда йўқ. Аммо бу гапни чойхонада эшитганимни биламан. Ушанда соқолидай оппоқ яқтак кийган Саид бува иккала қулида челақчага ўшаган иккита бежирим саватчани осилтириб, кучанинг нариги бетидаги утиб борар эди. Чойхонадаги одамлар билан иши йўқ, ерга қараганча оҳишта-оҳишта юриб, жуда ҳам қари одамга хос тебраниб борар, бир маҳаллар новча бўлгану, ҳозир анча чўкиб қолган, гавдасига қулидаги саватчалар ярашмагандай туюлар, тўғрироғи, улар биронта неварарага олинган уйинчоққа ўшар эди. Аслида саватчалар қарияга хизмат қилувчи, айна пайтда кўнглига таскин берувчи доимий эрмак экан. Ҳанузгача шундоқ. Уйда бўлса саватчалар ўрнига эрмаги чоғроқ кетмону, ўтмасроқ эски пичоқ. Ҳовлиснинг эшиги рупарасида буйрадек буйрадек икки тахта ер бор. Бу Саид буванинг «даласи». Уша ерда кўкат парвариш қилади. Кўк пивз, кашини, шивитларни боғ-боғ қилиб битта саватчага жойлайди. Ик-

кинчи саватчани доим буш кўтариб, бозорчага боради. Маҳаллага аралашиб улгурмаганидан Саид бувани яхши танимас эканман. Ҳалиги гапдан кейин унга қизиқиб қолдим, кузата бошладим. Одамларнинг айтишларича, у киши бир вақтлар катта боғбон бўлган экан. Буни бир куни

деган жиккак чол. – Кучага сават-сават узум олиб чиқиб ариққа ташлаб қўярдилар. Йулочиларни қақриб бир бош-бир бош едириб юборардилар. «Шаҳардан чанқаб келяпсизлар, олинлар», – деб қистардилар. Тўғрими, Турахужа? Турахужа деганлари Саид буванинг ўгли. Ёши олтимишдан

– Ҳа, эски вақтда одамлар хайр-эхсонли эди, – деди кимдир.

Туйдаги бу гаплардан кейин Саид бувага қизиқишим яна ҳам ортди. Бир куни ишдан келаётсам у киши ҳам бозордан қайтаётган экан. Одатдагидай икки қулида иккита саватча. Бири буш, ичидаги кўкатлар сотиб булинган. Иккинчи саватчада бурда-бурда-нонлар. Шундагина бу иккинчи саватчанинг хизматию, Саид буванинг доим ерга қараб юришининг маъносини англадим. У киши ерда ётган нон бурдаларини териб юрар экан. Утиб кетишни одобга хилоф билиб, қариянинг орқасидан майда қадам ташлаб боравердим. Бир маҳал Саид бува саватчаларини ерга қўйиб, тупроққа қоришиб ётган бир бурда нонни олди. Пуфлаб-пуфлаб, саватчадаги нонларга қушиб кўйди.

– Ҳа, тўқчилик-да, тўқчилик, – деб кўйди узича.

Ҳозир Саид бува уч кам юзда. Уни тез-тез қуриб тураман. Қачон кўрмай икки қулида уша қадрдон иккита саватчаси. Ҳеч ким билан иши йўқ. Ҳамон ерга қараб бормоқда....

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

САИД БУВА

• Ҳикоя

туйда гапириб қолишди. Саид буванинг саҳийлигидан ҳам гап очилди. Айтишларига қараганда, қария ёшлигидан «Саид саҳий» деб ном чиқарган, боғининг деворлари омонат бўлиб, одамлар бемалол кириб, чиқиб юраверар экан. Ражаб ака деган норғил гавдали чол бу ҳақда қулиб-қулиб гапирди: – Одамнинг феъли шунақа ҳам кенг бўладими, а? Боққа ўғри кирса, уялмасин деб тесқари қараб турардилар. Мен ҳам улфатларим билан кириб замбал-замбал узум олиб кетганман. Мусаллас солганмиз. – Одамларга текинга узум улашганларини айтмайсизми? – деб гапни илби кетди Ҳожи ака

ошган бу одам қуйиб қўйгандек отасининг узи: барваста, суяги «бузуқ», аммо негадир рангпаррок.

– Отам пулни ҳам бекитмас эдилар, – деди Турахужа қикирлаб қулиб. – Эсимда бор, мактабда ўқир эдим. Айвонга сават осиб қўйган эдилар. Ҳар замон узум сотиб келганларида уша саватга пул ташлаб қўярдилар. Мен билдирмасдан ушандан озгина-озгина олиб, мактаб пули қилар эдим. Бир куни сезиб қолдилар. «Ўғлим, пул керак бўлса ўзимдан суранг, бунга тегманг», – дедилар. Кейин билсам, у пул худойига аталган экан. Узумнинг пулидан бир қисмини йиғиб, худойи қилардилар.

• Бу-қизиқ!


ВЕНЕРАНИ ҚЎЛЛАРИДАН КИМ ЖУДО ҚИЛГАН?

Париждаги жаҳонга машҳур Лувр расмлар галереясида сақланавтган санъат обидаларини кўздан кечиравтган томошабин Венера ҳайкалидан кўз уза олмайдди. Венера ҳайкали жаҳон маданиятининг дурдоналаридан саналади. Рим мифологиясида Венера аввалига баҳор ва боғурроғлар маъбудаси сифатида улуғланган, кейинчалик у севги ва гузааллик маъбудаси Афродитага тенглаштирилган. Қадимги Римда Венерани римликлар сунячиқ, ҳомий сифатида эъзозлаганлар, унинг шарафига улуғвор черковлар, қасрлар бунёд этилган. Цезар Венерани Юлийлар момоси деб ҳисоблаган. Венера қўлларидан қандай жудо бўлган? Умуман, бу шоҳ асар қандай топилган?

тасодифан куриб қолади. Ҳайкал деҳқон ҳовлисида наридан-бери яшириб қўйилганди. Дюмон-Дюрвил ёш бўлсада, аммо жуда зийрак, билимдон эди. У топилма Венера ҳайкали эканини дарҳол фаҳмлайди. Венера қулида олма ушлаб турган ҳолатда тасвирланган эди. Бу троян подшоҳи Париснинг Венерага бўлган чексиз эҳтиромининг рамзий ифодаси эди.

Бу мислсиз муъжиза эрамиздан аввалиги II асрда яшаган номаълум ҳайкалтарош томонидан бунёд этилганди. Ҳайкалнинг Милос оролига қандай қилиб келиб қолгани ҳамон жумбоқдир. Дюмон-Дюрвил Венера ҳайкалини уз Ватани учун сотиб олишга аҳд қилади. Бироқ деҳқон жуда катта пул сурайдди. Зобит ёрдам учун Франция элчихонасига мурожаат қилади. Куп ўтмай Дюмон-Дюрвил элчихона вакили билан бирга Милосга қайтади. Аммо улар кечикишган эди. Деҳқон Венерани бир турк амалдорига сотиб юборганди.

Французлар катта пора эвазига деҳқонни турк амалдоридан айтиштишга муваффақ бўлишди. Келишувга мувофиқ, деҳқон амалдорга «французлар менга куп бай пули беришганди, мен буну сизга айтишни унутибман. Ҳайкал уларникидир» деган баҳонани ружақ қилади. Амалдор эса бунга ишонмайди. Катта жанжал бош-



Асрларни ортада қолдириб...

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

ланади. Французлар фурсатни қўлдан бой бермай, матросларга Венерани зудлик билан яшиққа жойлаб, қирғоққа олиб боришни буюраддилар. Бундан хабар топган амалдор дарҳол уз одамлари билан французлар орқасидан қувади. Мушлатув бошланади, ҳайкал ўртада та-

лаш бўлади. Ана шу алфозда Венера иккала қулидан айрилди. Синган қўллар ҳанузгача ҳеч қаердан топилган эмас. Нечанча йиллардан бунён санъат шайдоларини ўзига маҳлиё қилиб келаётган Венера ҳайкалининг топилиш тарихи ана шундай.

ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

Велосипед минган хуш-руйгина хоним чорраҳадан қизил чироқда ўтди. Ҳаракат-бон аёлни хуштак чалиб зурга тухтаттач, деди:

– Хуштак чалганимни эшит-мадингизми?
– Эшитдим, аммо мен бугун бандман.

– Менга қара, огайни, сен ҳайдовчилар курсини битирганинга бир йил бўлди, аммо бирон марта машина ҳайдаганингни кўрмадим.

– Мен ҳайдовчилик гувоҳномасини минг машаққат билан олганман, шу боис ундан осонлик билан маҳрум бўлишни истамайман.

– Дўхтиржон, ароқ ичсам бўладими?

– Йўқ.
– Спиритчи?
– Мутлақо мумкин эмас.
– Сиз ёзиб берган дори-лариничи?
– Намунча бемаъни нарса-ларга ружу қўймасангиз!

– Мен ҳали Сизга «а-а-а» дейишни буюрмадим-ку! – деди дўхтир беморга.

– Тўғри, мен фақат ҳамширангизни қуриб қолдим.

– Менинг жияним Сизда ишлайдими?

– Ҳа. У охириги футбол уйинида Сизнинг таъзиянгизга бориш учун рухсат сўраб кетганди.

Устахонага ёзув машинкасини олиб келишди.

– Қандай ишқали бор? – деб суради уста.
– Саводсиз ёзади.

– Бу қандай адолатсизлик ахир, энди ишлашга утиришинг ҳамон уйғотиб юборишди.

ТЕЛЕФОНДА КИНО КЎРАСИЗ

«Сименс» компанияси кўл телефонининг янги — учинчи авлодини яратди. Унинг соҳиблари сузлашишдан ташқари Интернет тармоғига улашиш, ҳатто митти дисплейда кино қуриши ҳам мумкин. Бундай телефонлар билан суратга олиш камера-си, ноутбук, органайзерга ҳам боғланиб, зарур юмушларингизни бажарсангиз бўлади.

Мутахассислар янги маҳсулот икки йилдан олсга бутун дунёни эгаллаб олга керак дейишмоқда.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:

Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Изаат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Муҳарририятга келган қўлғамалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-402.
7225 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Боснига топширилди — 19.00
Боснига топширилди вақти — 18.00

123456

